Ушбу сонда:

2 ЯҚИН ШАРҚ: ВАЗИЯТ ЎЗГАРГАНИ ЙЎҚ

3 TV – ДАСТУРИ

4 *«Умид ниҳоллари — 2002»* МАШЪАЛА ҲАРОРАТИ ҚАЛБЛАРГА КЎЧДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 26 апрел, жума №67 (1284)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тойлоқ Самарқанднинг кенжа туманларидан бири. У 1992 йилнинг апрел ойида ташкил этилган эди.

Бугунги кунда Тойлоқ туманида юзта қишлоқ мавжуд бўлиб, уларда 28 миллат вакиллари 135 минг киши тинч-тотув, аҳилликда яшамоқда. Тойлоқликлар туманларининг истиқлол йилларида ташкил этилганлиги, ўтган давр мобайнида амалга оширилган кенг кўламдаги ижобий ўзгаришлар билан фахрланадилар. Дарвоқе, бу замин тарихи узоқларга бориб тақалади. Зеро, туман ҳудудида Амир Темур бобомизнинг «Давлатобод», «Боғизоғон» сингари боғлари бўлганлиги ҳам эътиборга лойиқдир.

Туман ғаллачилик, сабзавотчилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Бу ернинг оқ кишмиши, сабзавот консервалари, турли номдаги шарбатлари нафақат мамлакатимизда, балки, хорижда ҳам машҳур.

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГОҚУРИЛИШ» ТРЕСТИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг энергетика тизимини барпо этиш ва ривожлантириш, янги, замонавий иншоотларни қуришдаги кўп йиллик ҳалол ва фидокорона меҳнати, ислоҳотларни амалга оширишга қўшаётган самарали ҳиссаси ҳамда жамоат ишларидаги жонкуярлиги учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

Тиртишников Владимир Филиппович «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трести бошқарувчисининг ўринбосари

Толипов Шориски Шойдинович «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трести механизациялаштирилган ишлар бошқармасининг бошлиғи

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, энергетика тизимини юксалтириш, кўплаб саноат, сув хўжалиги, нефтьгаз мажмуаларини, маданий-маиший иншоотларни ва тураржой биноларини барпо қилишдаги фидокорона меҳнатлари, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Абдуназаров Абдурасул «ТолимаржонГРЭСқурилиш» бошқармаси монтажчилар комплекс бригадаси бошлиғи

Азгарова Лариса Казимовна «ЧорвоқГЭСқурилиш» бошқармаси бош муҳандиси

Хасанов Закиржан Мисабаевич «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трести ихтисослаштирилган ишлар бошқармасининг электрпайвандчиси

«Дўстлик» ордени билан

Тўляганов Аҳмаджон Тиланович «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трести автотранспорт корхонасининг ҳайдовчиси

Шин Бронеслав «СирдарёГРЭСқурилиш» бошқармаси бош муҳандиси

Шербинин Константин Борисович «Ўзбекмонтаж» бошқармаси бошлиғи

«Шуҳрат» медали билан

Шерметов Нигматулло Тошматович «Энергоқурилишиндустрия» ишлаб чиқариш корхонаси бош директори

Эргешов Мехриддин Абдивалиевич «ТошГРЭСқурилиш» бошқармасининг электрпайвандчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 22 апрел

ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Узун туман машина трактор парки акциядорлик жамияти қошида Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг филиали иш бошлади.

Бу хайрли ишдан кўпчилик хурсанд бўлди. Чунки аҳоли тиғиз яшайдиган бу туманда бирорта ҳам қўшма корхона йўқ эди.

«Агрегатсервис»нинг иш бошлаши техникалар носозлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этади. Энди техникалар учун зарур бўлган кўплаб эҳтиёт қисмлар шу ернинг ўзида тайёрланади.

Ҳозир бу кичик корхонада 25 киши иш билан таъминланди. Ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бориши билан уларнинг сони эллик кишига етабди.

«Туркистон пресс»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг бўлиб ўтган мажлисида 2002 йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримовнинг жорий йил 14 февралида бўлиб ўтган Ҳукумат мажлисидаги «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йўлимиз» маърузасида белгилаб берилган биринчи навбатдаги вазифаларнинг бажарилиши таҳлил қилинди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, матбуот вакиллари қатнашдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Р.Азимовнинг маърузасида мамлакат Президенти томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни бажаришга доир чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт (103,1%), саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш (106,7%), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш (103,2%), чакана товар айланмаси (108,7%) ўсганлиги қайд этилди.

Қаттиқ пул-кредит ва балансланган фискаль сиёсат ўтказилиши инфляция даражасининг пасайишини таъминлади. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Таркибий қайта ўзгартириш жараёни давом эттирилди. Қишлоқ хўжалиги, металлургия, ёқилғи-энергетика комплексига йўналтирилаётган инвестициялар улуши ошди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоғи кўпайди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари янада чуқурлашди. Хусусий тадбиркорлик ривожланмоқда. Ялпи ички маҳсулотда кичик ва ўрта бизнес салмоғи 27,4 фоиздан 29,1 фоизгача ўсди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда. 2002 йил 1 апрелдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдори оширилди. «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тасдиқланди ва амалга оширилмоқда.

Мажлисда Республика Президенти томонидан ер, сув ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежаб фойдаланиш соҳасида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиевнинг ҳисоботида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, ер ва сув тўғрисидаги қонунлар, шу жумладан Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бузилишининг кўплаб ҳоллари давом этаётганлиги тоқат қилиб бўлмайдиган ҳол деб эътироф этилди. Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ҳамда тупроқни муҳофаза қилиш ва таркибини яхшилаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаслиги қонун бузилишларининг асосий қисмини ташкил этади.

Умумиқтисодиёт Комплексига ва бошқа Комплексларга 2010 йилгача бўлган даврда электр энергиясини тежаш Дастурини ҳамда Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш Концепциясини ишлаб чиқишни жадаллаштириш юкланди.

Мажлисда «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Э.Шоисматов), «Ўзпахтасаноат» уюшмаси (Э.Зикриёев), «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Р.Зоҳидов) раҳбарларининг эътибори тегишли тармоқларда реал таркибий ўзгартиришлар ва кўрсатилаётган хизматлар соҳасида ҳақиқий бозор рақобати механизмини яратиш суст амалга оширилаётганлигига қаратилди.

Ҳукумат мажлисида биринчи навбатдаги вазифалар қаторида тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш, хусусий секторни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Шу муносабат билан Сирдарё вилояти (А.Исроилов), Термиз шаҳри (А.Чориев) ва Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани (А.Жуманиёзов) ҳокимликлари фаолияти жиддий танқид қилинди. Ушбу минтақаларда хусусий тадбиркорларга, шу жумладан бизнес-режалар ва техник-иқтисодий асослашлар тайёрлашда кенг кўламда комплекс хизматлар кўрсатиш зарур даражада ривожлантирилмаяпти, сансалорлик ҳолларига барҳам берилмаяпти.

Бухоро (С.Ҳусенов), Фарғона (А.Отабоев), Сурхондарё (Т.Қодиров) ва Хоразм (И.Бобожонов) вилоятлари ҳокимликларининг хорижий инвестицияларни кичик бизнес соҳасига жалб этиш бўйича ишлари етарли эмас деб эътироф этилди.

Республиканинг марказий иқтисодиёт идораларига иқтисодий жиҳатдан самарали бизнес-режалар ишлаб чиқишда қарз олувчи тадбиркорларга кўмаклашиш тизимини яратиш, кредитлар бериш тартиботини соддалаштириш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг кредитларини ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш имконини берадиган ички ва ташқи маркетингини ташкил этиш бўйича икки ой муддатда таклифлар киритиш юкланди.

Республика Ҳукумати мажлисида, шунингдек тармоқлар корхоналарининг, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва маҳсулотлар, хизматлар экспорт прогнозини амалга ошириш тўғрисида Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниевнинг ахбороти, «Ўзбекнефтгаз» компанияси раиси Э.Саидаҳмедов, Самарқанд (Ш.Мирзиёев) ва Наманган (Т.Жабборов) вилоятлари ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси (Э.Холмуродов), «Махсусқотишма» республика ташкилоти (Ҳ.Шарипов), «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти (В.Кучеров) экспорт сиёсатида сезиларли ўзгаришлар йўқлиги қайд қилиб ўтилди. Республикадаги айрим ҳокимликлар томонидан экспортни кенгайтириш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар ва қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари раҳбарларига маҳсулотлар экспортида йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини, энг аввало, ишлаб чиқаришларни маҳаллий хом ашё негизида маҳаллийлаштириш дастурларини бажариш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш ва маҳсулот сотиш бўйича маркетинг ишларини яхшилаш ҳисобига тўлдириш юкланди.

Мажлисда, шунингдек баҳорги дала ишларини сифатли ўтказиш ва 2002 йилги бошоқли дон экинлари ҳосили ўрим-йиғимига тайёрланиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Дўстлик тумани электр алоқаси бўлимида мижозларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида саккиз рақамли икки минг абонентга мўлжалланган янги шаҳарлараро алоқа станцияси ишга тушириллди.

— Ҳозиргача туманда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот, муассасалар телефонлари янги алоқа станциясига уланди, - дейди туман электр алоқа бўлими бошлиғи Ўктам Бозоров. — Эндиликда шахсий абонентлар ҳам ана шундай қулайликка эга бўлишмоқда. Улар учун дунёнинг истаган мамлакати билан бир зумда алоқа боғлаш имконияти яратилди.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Жиззах акуммулятор ҳиссадорлик жамияти ўрнида «ЎзЭксайд» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил этилди. Чет эллик сармоядорлар томонидан қиймати 11,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги асбоб-ускуналар келтирилди. Корхона тўла қувват билан иш бошлагач, бир йилда 6 турдаги 1 миллион дона қўрғошинли аккумулятор батареялари ишлаб чиқариш ва иккиламчи қўрғошинни қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Натижада Марказий Осиё давлатларининг автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун аккумуляторларга бўлган талаб эҳтиёжи қондирилади.

Шу билан бирга вилоятда 400 киши янги иш ўринлари билан таъминланади. Айни пайтда 22 гектар майдонни эгаллаган корхона ҳудудида катта миқёсда қурилиш, чет элдан келтирилган асбоб-ускуналарни ўрнатиш, монтаж ишлари ниҳоясига етказилди.

Хабарлар оқимидан

ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Республика Қизил Ярим Ой жамияти Жиззах вилоят кенгаши Ғаллаорол туманида боғ барпо этди. Тошкент-Самарқанд катта йўлининг Жиззах билан Ғаллаорол тумани чегара ҳудудида 5 гектарли майдонда кўчат ўтказиш ниҳоясига етказилди.

Туман тиббиёт ва агробизнес коллежлари талаба ёшлари бу ишда бош-қош бўлишмоқда. Мазкур боққа минглаб туп мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой федерацияси бу хайрли иш учун 3,5 миллион сўм маблағ ажратди.

«КАМОЛОТ» КУТУБХОНАСИ

Вилоят аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этиши сабабли, улар учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жиззах шаҳридаги «Истиқлол-Форум» мажмуи, «Сангзоркўл» дам олиш оромгоҳи, «Бахт уйи» ҳамда бугунги кун талабига мос кўплаб маҳалла гузарлари ёшлар ихтиёрига берилган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши айни пайтда ўтган йили фойдаланишга топширилган «Ёшлар маркази» мажмуида фаолият кўрсатмоқда. Марказда ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида «Камолот диско-клуби» фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда кенгаш ташаббуси билан марказ қошида «Камолот» кутубхонасини ташкил этишга киришилди.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҲАР БИР ХАТДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Касаба уюшмалари фаолиятида ижро назорати муҳим ўрин тутади. Меҳнаткашларнинг талаб ва истакларини ўрганиш ҳамда кўриб чиқиш соҳасида Самарқанд вилоятида ибратли ишлар амалга ошириляпти, десак бўлади.

Кенгаш қабулхонасига вилоятнинг турли бурчакларидан фуқаролар тез-тез келиб туришади. Улар орасида шаҳар маҳаллаларида яшайдиган қариялардан тортиб, олис Нуробод яйловларида қўй-қўзи боқаётган чўпон-чўлиқларгача бор. Сочларига оқ оралаган аёл раис ҳузуридан қувониб чиқди.

— Каттақўрғон туманидан узоқ йўл босиб келган эдим, - деди ўзини Мастура опа деб таништирган жувон табассум билан. - Мутасадди ташкилотларга бир неча марта мурожаат қилдим, ишим ҳал бўлмади.

Вилоят касаба уюшма Кенгаши раиси Ойсулув Нафасованинг ёрдами билан касаллиги бўйича «Чинобод» санаторийсига йўлланма олган қишлоқ аёлининг қувончи чексиз эди.

— Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилиши қатъий назоратга олинган, - дейди кенгаш девонхонаси мудири Дилара Одилова. - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, унинг раёсати, тармоқ қўмиталари қарорлари ижросига алоҳида эътибор берилади.

Меҳнаткашларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш Федерация Кенгаши тасдиқлаган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибига асосан олиб бориляпти.

Тажриба, ташаббус

Касаба уюшмалари вилоят Кенгашида йил бўйи 3780 та, жумладан, 545 та ёзма ва 3235 та оғзаки мурожаатлар қайд қилинган. Уларнинг ҳаммаси қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилди.

Кенгаш раҳбарияти ва тармоқ қўмиталари раислари томонидан фуқароларнинг шахсий масалалари бўйича мунтазам равишда қабул амалга ошириляпти. Ҳар бир кишининг мурожаат ва илтимоси диққат-эътибор билан тингланиб, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, муаммоларини ҳал этиш, меъёрий ҳужжатларга асосан сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган тегишли чора-тадбирлар кўриляпти.

Ташкилотга мурожаат қилганларнинг аксарияти агросаноат мажмуи, таълим ва фан, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари тармоқ қўмиталарига тўғри келади.

Мурожаатларда кўтарилган кўпчилик муаммолар аҳоли турмушининг турли соҳаларига таалуқли бўлиб, касаба уюшмалари томонидан вақтида кўриб чиқилди ва меҳнат қонунларининг бузилиши билан боғлиқ қатор камчиликлар аниқланди, уларни бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Бундай нуқсонлар аниқланмаган ҳолларда, масала моҳияти бўйича изоҳ ва тушунтиришлар берилди.

(Давоми 2-бетда).

ҲАР БИР ХАТДА ИНСОН ТАҚДИРИ

(Боши 1-бетда).

Фуқаролардан келган хатларнинг кўпчилиги асоссиз вазифадан бўшатиш, иш ўрни қисқартирилиши, корхоналар тугатилаётганлиги муносабати билан ишдан озод қилишда қонун бузилишларига йўл қўйилаётганлиги, маошларнинг вақтида тўланмаслиги, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли соғлиғига зарар етказилганларга нафақа тўлаш масалалари билан боғлиқдир.

Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари устидан марказлаштирилган назоратни кенгаш девон котибияти амалга оширади. Девонхона мудираси Д.Одилова бу соҳада катта билим ва амалий тажрибага эга, қаттиққўл ва талабчан ходима. Шунинг учун ҳам ҳар бир хат ва оғзаки талаб Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатномалари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

— Одамларнинг қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлари келиб тушган кундан бошлаб, бир ой муддатда ҳал этилиши лозим, - дейишди ташкилий ишлар бўлими ходимлари. - Қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб қилмайдиганлари 15 кун ичида кўриб чиқилади, агар муддати чўзилса, мурожаатнома муаллифлари бундан, албатта, хабардор этиладилар.

Ижро интизомининг мустаҳкамланаётганлиги ижобий натижалар бермоқда. Кейинги пайтда меҳнат муносабатлари бўйича мурожаатлар тенг ярмига камайди ва 48 тани ташкил этди.

Ёзма мурожаатлар таҳлили кўрсатиб турибдики, ишдан ноқонуний бўшатиш ҳоллари агросаноат мажмуи ходимлари (И.Усмонов), соғлиқни сақлаш (Ф.Зикирова), давлат ва жамоат назорати муассасалари (А.Исоқов), таълим ва фан ходимлари (Х.Нормуродов) қўмиталари тизимида кўп содир бўлган. Умуман йил давомида ишдан ғайриқонуний бўшатиш билан боғлиқ аризаларнинг 19 таси ижобий ҳал этилиб, фуқаролар вазифасига тикланган. Қолганлари меҳнат низоларини кўриб чиқиш учун фуқаролик судларига юборилди.

Ҳар бир хатда инсон тақдири акс этади. Жомбой туманидаги «Самарқанд» ширкат хўжалиги бош агрономи А.Расулов, Самарқанд шаҳар алоқа бошқармасига қарашли АТС фароши И.Фатхуллина, Тойлоқ туман Тепақишлоқ фуқаролар йиғини котиби М.Эшмуродов кабилар касаба уюшмалари аралашуви билан ўз ишларига қайта тикландилар.

Кенгаш қабулхонасида мурожаатларни ҳисобга олиш учун махсус рўйхат юритиляпти. Ижро этувчи керакли ҳужжатларни девонхонага тақдим этади, масала тўлиқ ҳал қилингандан сўнг ариза назоратдан чиқарилади.

Таълим ва фан ходимлари, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, енгил, мебел саноати, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари вилоят қўмиталари, Каттақўрғон шаҳар, Тойлоқ, Оқдарё туманлари фан ва таълим ходимлари касаба уюшма қўмиталари ариза ва шикоятлар билан ишлашда катта тажриба орттирдилар.

Вилоят кенгаши томонидан тармоқ қўмиталари ва кенгашларида ариза-шикоятлар билан ишлаш, иш юритиш, ижро интизомини такомиллаштириш мақсадида соҳа ходимлари иштирокида амалий семинар-кенгашлар уюштирилди ва ўзаро тажрибалар алмашилди. Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ҳамда Каттақўрғон ва Жомбой туманларида ўтказилган бундай тадбирлар анча самарали бўлди.

Аммо, айрим корхона раҳбарлари ва касаба уюшма ташкилотлари иш ҳақи тўлаш, меҳнат меъёрларини белгилашда амалдаги шартларнинг қўлланилиши устидан назорат ўрнатмаганлар, қонун бузилишларининг олдини олиш учун ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўғри фойдаланмаяптилар.

Бунга Тайлоқ туманидан Д.Дўлиева, Жомбой тумани машина-трактор паркидан М.Гараева, Пастдарғом тумани Амир Темур жамоа хўжалигидан О.Саимоваларнинг аризалари мисол бўла олади. Кенгашга касаба уюшмалари фаолият доирасига кирмайдиган масалалар бўйича 940 та фуқаро мурожаат қилди. Уларнинг аксари аҳолига уй-жой, ер участкалари, болалар нафақалари, пенсия тўловлари билан боғлиқ мурожаатномалардир. Натижада мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда шикоятларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинганлиги, ҳукуматимизнинг аҳолини кам таъминланган қисмини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг аниқ йўналишлари, аёллар саломатлигини муҳофазалаш, соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган давлат дастурлари вазифаларидан келиб чиқиб, ёлғиз қариялар, фахрийлар, ногиронлар, кам даромадли оилалар, уруш қатнашчилари, чернобилчилар, етим-есирлар тўғрисида ғамхўрлик кучайтириляпти. Талаблар чуқур ўрганилиб, даволаниш учун йўлланмалар ажратиш, нафақалар тўлаш каби имтиёзларни амалга оширишда яқиндан ёрдам кўрсатиляпти.

Бундан ташқари, ҳокимликлар, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида кўриб чиқилиши лозим бўлган ҳужжатлар назоратда турибди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Тадбир

КАСАБА УЮШМА НУФУЗИ

у нималарда намоён бўляпти?

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош Бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасидаги меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунларнинг жойлардаги ижроси» мавзуига бағишланган ўқув тадбири бўлиб ўтди. Унда ТШИИББ тизимидаги барча ташкилот ва муассасаларнинг касаба уюшма қўмиталари раислари, бошлиқ муовинлари, кадрлар билан ишлаш бўлими ходимлари иштирок этдилар.

— Тизим ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояларини таъминлаш, ишловчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, маданий-маънавий тадбирлар орқали рағбатлантириб бориш касаба уюшмаларининг муҳим вазифалари сирасига киради, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш Бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Аъзамжон Ҳакимов. — Айниқса, меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунларни яхши билиш, уларга амал қилиш, жойлардаги ижросини таъминлаш кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиб, иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Меҳнат муҳофазасини таъминлаш учун ташкилот ва муассасаларнинг ушбу йўналишда иш юритувчи мутасаддилари ҳам, ишчи-ходимлари ҳам соҳага оид қонун-қоидалардан хабардор бўлишлари зарур. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Бирлашган касаба уюшма қўмитамиз томонидан бугун ИИББ тасарруфидаги барча ташкилот ва муассасаларнинг касаба уюшма қўмиталарига меҳнатни муҳофаза қилишга оид ҳужжатлар мажмуаси топширилди.

Ўқув машғулотида Тошкент шаҳар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар Ассоциацияси раиси Валерий Гаевский, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Жория Алимхўжаева, Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳожиакбар Бахтиёров ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатишда амал қилиниши лозим бўлган қонун-қоидалар, бунда касаба уюшмаларининг ўрни, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномаларининг муҳим аҳамияти хусусида зарур маълумотларни бердилар.

Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш, соғломлаштиришни ташкил этиш каби масалаларда касаба уюшмаси ва маъмурият ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутади.

— Бошқармамизда ходимларнинг ижтимоий ҳимоялари, маданий-маънавий ҳордиқ чиқаришларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, - дейди Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш Бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Жамшид Матлюбов. — Касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган милиция ходимларини хотирлашга бағишланган тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Турли байрамлар арафасида мард ўғлонлар ёдга олиниб, оила аъзолари бир пиёла чой устидаги тадбирларга таклиф этиладилар. Уларга байрам совғалари, фарзандлари учун имкониятдан келиб чиққан ҳолда болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар ажратилади. Шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида янги ўқув йили арафасида ўқув қуроллари билан таъминлаш, Митрофанов номидаги сув ҳавзасида соғломлаштириш, ногирон фарзанди бор ходимларга вақти-вақти билан моддий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Меҳнаткашлар дам олиш уйлари, хусусан, «Кумушкон», «Қизилсой» каби ҳордиқ масканларида оилавий йўлланмалар асосида дам олиб, жамоалари қучоғига аъло кайфиятда қайтадилар. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, Қўриқлаш Бошқармасининг барча бўлим ва бўлинмаларини республика нашрларига мунтазам обуна қилиш намунали йўлга қўйилган.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Ангрен шаҳридаги «Кулолчилик» ишлаб чиқариш цехида олти турдаги кулолчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Кўп йиллик тажрибага эга ишчи-ходимлар томонидан тайёрланаётган турли чинни буюмлар ўзининг сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратларда: (чапдан) цехнинг илғор ишчилари Зайтуна Абдурасулова ва Гулбаҳор Нишонова.

Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

АЖДОДЛАР ЁДИ

Поп туманидаги Ғурумсарой ширкат хўжалиги раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан 40 нафар меҳнат фахрийси ҳамда қариялар Фарғона вилоятига саёҳат қилиб қайтишди.

Дастлаб улар Марғилондаги Бурҳониддин Марғиноний мажмуини бориб кўрдилар. Сўнгра Қувадаги бобомиз Ал-Фарғоний мажмуини зиёрат қилдилар. Шунингдек, улар Қўқонда бўлишиб, ўлкани ўрганиш музейидаги тарихий манбалар билан яқиндан танишдилар.

— Улуғ аждодларимиз номларини хотирлаб шундай улкан зиёратгоҳ мажмуини бунёд этиш ташаббускори бўлган Юртбошимиздан миннатдормиз, - дейди меҳнат фахрийси Т.Холмирзаев. - Чунки, мустақиллик йилларидагина уларни том маънода эъзозлаш, руҳларини шод этишга муваффақ бўлинди.

М.МАТКАРИМОВ.

Шу йилнинг 29 мартида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Унда юбилей 2002 йилнинг ноябр ойида, ЮНЕСКО иштирокида юксак ташкилий савияда ўтказилиши таъкидланади.

ТЎЙ ТАДОРИГИ БОШЛАНДИ

Шунингдек, қарорда шаҳарни янада ободонлаштириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳам назарда тутилган. Юбилей муносабати билан таъмирланадиган тарихий обидаларни таъмирлаш учун 800 миллион сўмлик маблағ ажратилиши айтиб ўтилган.

Айни кунларда Шаҳрисабзда шаҳарнинг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирда тарихий обидаларни қайта таъмирлаш учун мамлакатимизнинг турли бурчакларидан усталар келмоқда.

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш ҳукумат қарори ижросига бағишланди. Шаҳрисабз юбилейига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида мутасаддилар раҳбарларнинг ахбороти тингланди. Бу борадаги юмушларни ўз вақтида ва юқори савияда бажариш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА).

Жиноятга жазо муқаррар

ТУБАНЛИК

Дунёнинг ишлари қизиқ. Кимдир фидокорона меҳнати билан эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшса, яна биров чўлларни обод қилиб, улуғ ишларга дахлдор бўлади. Баъзилар эса ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормасдан кун кечиради, ўзгаларнинг пешона тери билан топган ризқига кўз олайтиради, ҳатто жонига қасд қилишдан ҳам тап тортмайди. Биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз Наманган шаҳрида яшаб келган Алишер Комиловнинг қилмиши киши қалбини ларзага солади.

Аввало, йигитнинг оиласидагилар унинг тарбиясига етарли эътибор беришмади. Мактабда ҳам яхши ўқимади, болалигидан текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган қилиқ чиқарди. Уйланганида ҳам бирон касб-ҳунарнинг бошини тутмади. Оқибатда яхши ишлар билан эл-юртнинг оғирини енгил қиладиган маҳалида жиноятга қўл урди. 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 166-моддаси бўйича айбланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилди. Бироқ, у Республика Президентининг «Авф этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан белгиланган жазо муддатининг учдан бирига қисқартирилганидан тўғри хулоса чиқармади. Охири қабоҳат билан тугалланувчи бу йўл уни тубсиз чоҳ сари етаклади.

Спиртли ичимликларни керагидан ортиқча ичиб олган Алишер ул-фатчилик охирида чинакамига «шер»га айланди. Натижада Наманган шаҳар, А.Воҳидов номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Баҳодир Каримовни яқин қариндош эканлигини ҳам унутиб, аввалига турли камситишлар билан ҳақоратлай бошлади. Сўнгра тўсатдан унинг дуч келган жойига тепа бошлади. Жаҳолат ва қабоҳат исканжасига берилган зўравон бу билан қаноатланиб қолмади, дастурхон устидаги ошпичоқни олиб қариндошининг кўксига урди. Жанжални эшитиб, ичкаридан югуриб чиққан Баҳодирнинг хотини Омина девор тагида қонга бўялиб ётган эрини кўриб дод солганида, у ҳам жоҳил ҳужумига дуч келди.

Мудҳиш қабиҳлик оқибатида бир бандаи мўмин оламдан бевақт кўз юмди. Оғир тан жароҳати олган Омина Жўраева эса зудлик билан шифохонага ётқизилди ва шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина омон қолди.

Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. Бир инсон умрига зомин бўлган, иккинчисини ногиронга айлантирган ваҳший Алишер Комилов 16 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди. Эсиз умр, эсиз одамгарчилик дейсан беихтиёр!

Муқимжон ОРЗИҚУЛОВ,
Наманган шаҳар прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича терговчиси, адлия маслаҳатчиси.

Фаластин етакчиси Ёсир Арофат ҳали-бери уй қамоғидан чиқолмайдиган кўринади. Унинг Рамаллоҳдаги қароргоҳи ҳануз Исроил ҳарбийлари қуршовида. Халқаро майдонда кечаётган сиёсий мунозаралар эса натижа бермаяпти. Улар томонларни куролли ҳаракатлардан тийилишга даъват қилиш билангина чекланиб қолаётир.

Шарҳловчи минбари

ЯҚИН ШАРҚ: ВАЗИЯТ ЎЗГАРГАНИ ЙЎҚ

Ўтган ҳафта Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан учрашиб, Яқин Шарқдаги вазият, хусусан, Ёсир Арофат тақдири хусусида фикрлашиб олди. Томонларнинг музокара якуни бўйича берган баёнотига кўра, Исроилнинг фаластинлик террорчиларга қаҳр-ғазаб ва адовати зинҳор сусаймайди. Ё.Арофат эса Исроил сайёҳлик вазири Рехавам Зэви қотилларини тутиб бермагунча уй қамоғидан чиқарилмайди. Шимон Переснинг айтишича, қотиллар Арафотнинг қароргоҳида яширинган.

АҚШ давлат котиби эса Фаластин раҳбарига мухторият ҳудудида бемалол ҳаракатланиш учун имкон бериш лозимлигини айтди. Бу унга вазиятни ўз назорати остига олиши, фаластинликларни тинчликка чақириши учун қулай шароит яратиб беради. Бироқ, Исроил томони бу фикрга мойиллик билдирмади. Шимон Перес Ёсир Арофат Рамаллоҳдан чиқмай туриб ҳам террор алангасини ўчиришга қодирлигини айтди. Шунингдек, унинг фикрича, Арофатни мухториятдан бадарға қилиш мутлақо нотўғри. Фаластинликлардан раҳбарини ўзгартириш эмас, ўз сиёсатини ўзгартириш талаб қилинмоқда. Негаки, мухторият раҳбарини ўзгартириш билан вазият ўнгланмаслиги аён.

БМТнинг аралашуви ҳам ҳозирча вазиятни юмшатолгани йўқ. Ташкилотнинг Яқин Шарқдаги мувофиқлаштирувчи вакили Терье Ред-Ларсен Женин шаҳридаги фаластинлик қочқинлар лагерини кўздан кечирганди. У лагерда аҳвол аянчли эканлиги, шу боис бу ерга халқаро ташкилотлар вакиллари киритилиши зарурлигини айтиб, Исроилни зудлик билан бунга йўл очиб беришга чақирди. Расмий Тел-Авив эса мутлақо терс жавоб қайтарди, аниқроғи, Терье Ред-Ларсендан юз ўгирди. Бош вазир Ариэл Шарон барча вазирликларга у билан алоқаларни узиш тўғрисида кўрсатма берди.

Бу воқеа халқаро майдонда ўзига яраша акс-садо бергани табиий. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Яқин Шарқдаги вакилининг фаолиятини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди. Т.Ред-Ларсен минтақадаги можаролар билан кўп йилдан буён шуғулланиб келади, у ташкилотнинг вазиятни тўғри ва холисона баҳоловчи тажрибали вакили, — деди Бош котиб. Кўп ўтмай, ташкилот раҳбарияти Жениндаги аҳволни ўрганиш учун махсус гуруҳ жўнатишга қарор қилди. Бу гуруҳ Финландиянинг собиқ президенти Мартти Ахтисаари, БМТнинг қочқинлар масаласи бўйича олий комиссарлиги бошқармасининг собиқ раҳбари Садако Огата ҳамда Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг собиқ раҳбари Корнелио Сомаруга каби таниқли арбоблардан тузилган. Кофи Аннаннинг айтишича, улар Жениндаги лагерда аслида нималар юз берганини аниқлаши, зарур далил ва ахборотларни тўплаши лозим. Исроил раҳбарияти БМТ миссиясининг Женинга киришига розилик билдирган бўлса-да, гуруҳ таркиби маъқул келмаганини маълум қилди. Лекин бу эътироз халқаро ташкилот томонидан инобатга олингани йўқ.

Айрим кузатувчиларнинг айтишича, Женин лагеридаги аҳвол ҳақиқатан аянчлидир. Шу боис у ерга қутқарувчи гуруҳлар киритиш, урушдан жабр кўраётган фаластинликларга ёрдам бериш керак.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

TV дастури

29 апрел 5 май

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бойсун».
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мимино». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.05 «Рангин дунё».
12.25 «ТВ альманах».
12.45 «Куйла, ёшлигим».
13.00 «Ошин». Телесериал.
13.30 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари кундалиги.
14.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
14.40 ТВ анонс.
14.45 Кундузги сеанс: «Жабрланувчиларнинг даъвоси йўқ». Бадиий фильм.
16.15 «Қувноқлар ва зукколар». Телемусобақа.
17.25 ТВ клип.
17.35 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ҳуқуқий-демократик жамият йўлида».
18.10 «Орзулар қанотида».
18.25 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелоторея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
21.30 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари кундалиги.
22.00 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.30 «Миллионлар ўйини».
22.55 «Ахборот - дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Келинг танишайлик».
10.25 Саломатлик сирлари.
10.45 Якшанбада кўришгунча.
11,00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 Мусиқий лаҳзалар.
11.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.30 Давр-news.
13.05 Олимжон Салимов. «Боз масҳарабоз». Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли.
14.20 «Нокаут».
14.45 Кўҳна оҳанглар.
14.55 «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.
16.20 Спорт ҳафтаномаси.
16.35 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
16.50 Олтин мерос.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
17.25 «Мульттомоша».
17.40 Тв анонс.
17.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Бир ўлка-ки.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида: 23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани. «Пеппи-узун пайпоқ».
18.00 «Мусиқий меҳмонхона».
18.25, 20.00, 21.25, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Индаба». 1-2 сериялар.
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.45 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.45 Кинонигоҳ. «Истеъдодли жаноб Рипли». 1-қисм.
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Мульттомоша».
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Хаёллар ороли». Сериал.
21.20 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.40 Кинематограф. «Кема ортида». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА 30

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Сўзана».
9.10 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.25 «Олтин калит». Бадиий фильм.
11.40 «Қўнғироқгул». Мультфильм.
11.55, 15.50 ТВ анонс.
12.05 «Париси бор уй».
12.35 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари кундалиги.
13.05 «Олам». Телеальманах.
13.35 «Миллионлар ўйини».
14.10 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
15.20 «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
15.55 «Ўч». Видеофильм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Мамонтчанинг онаси». Мультфильм.
18.20 «Баркамол авлод орзуси».
18.40 «Инсон ва қонун».
19.00 Бир жуфт қўшиқ.
19.10 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.25 «Сарҳад билмас дўстлик».
21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.15 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари.
22.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
23.40 «Ахборот - дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
9.40 Бизнес-академия.
9.55 Мутолаа.
10.10 «Эсмеральда». Телесериал.
10.40 Мусиқий лаҳзалар.
10.50 Жаҳон жуғрофияси.
11.40 Ёшлар овози.
12.00 Болалар экрани: «Сеҳрли чироқ».
13.25 Қўшқулоқ.
13.40 «Дунё». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.50 Кўҳна оҳанглар.
15.00 Интерфутбол.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», болалар шеърияти.
17.10 Таянч.
17.35 ТВ-анонс.
17.45 Ватан манзаралари.
18.05 Автопатруль.
18.25 Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда: «Моҳият».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.50 Кўҳна оҳанглар.
20.00 Сифат белгиси.
20.10 Марди майдон.
20.30 Ёшлик қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
23.45 «Давр». Ахборот дастури.
24.00 «Табор кўкка йўл олади». Бадиий фильм.
1.30 - 1.35 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Мультфильм.
18.10 «Шаҳримиз дурдоналари» (Кўкалдош мадрасаси)
18.25, 20.00, 21.25, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Индаба». 3-4 сериялар.
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.45 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.45 Кинонигоҳ. «Истеъдодли жаноб Рипли». 2-қисм.
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Жаҳон бўйлаб».
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 Е. Петросяннинг «Қулгу панорамаси».
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Рус рулеткаси».
20.00 «Время».
20.35 «Хаёллар ороли». Сериал.
21.20 «ART-каталог».
21.35 Кинематограф. «Кўл бўйидаги наво». Бадиий фильм.
23.00 «Монте-Карло-2002». Жаҳон мусиқаси танлови.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бухоро».
9.15 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан».
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Ноёб тур». Бадиий фильм.
11.40 «Сарҳад билмас дўстлик».
12.05 «Билмасвой рулда». Мультфильм.
12.25, 13.25, 16.10 ТВ анонс.
12.30 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
13.00 «Остонаси тиллодан».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Баркамол авлод орзуси».
14.30 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
15.00 «Озода бўлса шаҳринг».
15.20, 16.50 ТВ клип.
15.30 «Кино оламида».
15.50 «Талабалик йилларим».
16.15 «Ягона оилада».
Болалар сайёраси:
17.00 1. «Шоирлар-болаларга». 2. «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
18.10 «Ўзбекистон : XXI аср ёшлари».
18.30 «Аёл дунёни тебратар».
18.45 «Мулк».
19.05 «Санъатга бахшида умр». Б. Сафаров.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Киноконцерт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали ёпилишига бағишланган бадиий-спорт байрами.
22.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.55 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
23.15 «Ахборот -дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», болалар шеърияти.
9.40 Давр-интервью.
9.55 Мусиқий лаҳзалар.
10.05 «Эсмеральда». Телесериал.
10.35 Таянч.
11.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
11.50 Ҳунардан унар.
12.10 Одамлар орасида.
12.30 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
11.50 ТВ клип.
«Болалар сайёраси»:
12.05 1. «Шоирлар - болаларга». 2. «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
13.05 «Озод юрт одамлари».
13.25 ТВ анонс.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
14.40 «Мувозанат».
15.05 Кундузги сеанс: «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.
16.15 «Оламни асранг!»
16.35 «Шеър ва шуур».
16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.10 «Мусиқа: кеча ва бугун».
18.30 «Яхши ният». Телелоторея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Г. Сулаймонова.
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.05 «Руҳият манзаралари».
22.40 «ТВ-клуб».
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.



13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.35 Ёшлар овози.
13.55 «Дунё». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.00 Автопатруль.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Кичкинтой театри».
16.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.45 Олов билан юзма-юз.
18.05 Чемпион сирлари.
18.25 Оқшом наволари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Сийрат.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Муҳаббат қўшиқлари.
20.40, 21.15, 22.35 Эълонлар
20.45 «Эсмеральда». Телесериал.
21.20 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.25, 20.00, 21.25, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Индаба». 5-6 қисмлар.
19.35, 21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 ТТВда мусиқа.
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.45 «Камолот фасли».
22.50 Кинонигоҳ. «Такси».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Аншлаг».
17.15 «Хаёллар ороли». Сериал.
18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Е. Петросян, М. Задорнов, М. Галкин ва бошқалар «Ҳазил кетидан ҳазил» ҳажвий кўрсатувида.
18.55 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
20.00 «Время».
20.30 А. Пугачёва, В. Леонтьев ва Л. Вайкуле Раймонд Паулснинг «Энг яхши қўшиқлар» концерт дастурида.
22.30 Кинематограф. «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қалб садолари».
9.15 «Нафосат гулшани».
9.40 «Ўзбекистон XX1 аср ёшлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.25 «Қимматбаҳо бола». Бадиий фильм.
11.35 «Аёл-дунёни тебратар».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Кичкинтой театри».
9.45 Сийрат.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 Тафаккур ёлқинлари.
10.30 «Эсмеральда». Телесериал.
11.00 Спорт қитъаси (рус тилида)
11.25 Сенинг вақтинг (рус тилида)
11.45 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.05 Кўҳна оҳанглар.
12.15 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали ёпилишига бағишланган бадиий спорт байрами. Фарғонадан ёзиб олинган.
13.40 Ёшлар овози.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Олтин мерос.
15.45 «Тоғлик қуёв». Телевизион бадиий фильм 1, 2 қисмлар («Ўзбектелефильм»)
17.20 Сифат белгиси.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси «Катта танаффус».
18.00 Ёшлар куйлайди.
18.10 Оғоҳ.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 Тв-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Аскар мактублари.
20.15 Мезон.
20.35 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55- 1.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.25, 20.00, 21.25, 22.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Индаба». 7-8-сериялар.
19.35, 21.10, 22.30 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.45 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
23.10 Кинонигоҳ. «Гўзал Сабрина».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Жаҳон бўйлаб».
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.20 CFI тақдим этади: «Шамборд қасрининг сирлари».
18.10 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.50 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
20.00 «Время».
20.30 М. Евдокимов, М. Галкин, А. Ширвиндт, М. Державин, Л. Гурченко ва бошқалар Ефим Шифрин бенефисида.
23.20 «Дунё мамлакатлари».
23.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
23.50 «Хаёллар ороли». Сериал.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тилларанг ришталар жозибаси».
9.15 «Олтин мерос».
9.35 «ТВ-клуб».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Руҳият манзаралари».
10.40 «Диққат, шаҳарда сеҳргар!» Бадиий фильм.
11.35 «Йиллар ва йўллар».
11.55, 13.05 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
12.05 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.
13.10 «Аския».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Унутмас мени боғим». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30 Кундузги сеанс: «Метичара - денгиз жонивори». Бадиий фильм.
15.50 «Симфоник мусиқа дунёси».
16.10 «Фарзанд - умид юлдузи».
16.35 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
16.55 ТВ клип.
«Болалар сайёраси».
17.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Ўйла, изла, топ!»
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артисти Б.Ҳамдамов.
21.30 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг якунларига доир.
21.50 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.20 «Олтин бешик».
22.45 «Йўл бошида».
23.05 «Ахборот - дайжест».
23.25 - 23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.40 «Мультомоша».
9.55 Давр-интервью.
10.10 Мезон.
10.30 «Эсмеральда». Телесериал.
11.00 Мусиқий лаҳзалар.
11.10 Ёшлар овози.
11.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
12.20 Кўҳна оҳанглар.
12.30 Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда: «Моҳият».
12.50 Интерфутбол.
14.30 Ватан манзаралари.
14.50 «Зирапча». Бадиий фильм.
16.20 Олов билан юзма-юз.
16.40 Очун.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
17.30 Мультфильм.
17.40 Автосалтанат.
17.55 ТВ-анонс.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Ҳуқуқ ва бурч.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Саломат бўлинг.
20.00 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
20.05 Аср қиёфаси.
20.25 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
20.40, 21.15, 22.35 Эълонлар
20.45 «Эсмеральда». Телесериал.
21.20 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 -00.25 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мультфильм.
18.10 «Спорт ва болалар».
18.25, 20.00, 21.25, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Индаба». 9-10 сериялар.
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Соғинч».
20.25 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.45 «Хайрли оқшом».
22.45 Кинонигоҳ. «Ноттердамлик бўғи».
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 CFI тақдим этади: Африка ёввойи жонзотлари».
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
18.10 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Соккер клуб».
20.50 «Хаёллар ороли». Сериал.
21.35 «Дурдаршан».
22.00 Кинонинг олтин асри: «Денгиз бўриси». Бадиий фильм.
23.25 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Фавворалар».
9.10 «Ҳидоят сари».
9.30 «Алиса ғаройиботлар мамлакатида». Мультфильм.
10.45 «Олтин бешик».
11.10 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
«Болалар сайёраси»:
11.45 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
12.45 ТВ клип.
12.55 «Найранг». Бадиий фильм.
14.25 «Маърифат». Телеальманах.
14.45 «Дунё эшиклари очилди бизга».
15.05 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг якунларига доир.
15.25 «Интерклуб».
16.05 «Ягона оилада».
16.35 «Интилганга толе ёр».
16.55 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
17.15 «Бахтимизга омон бўлинг».
17.35 «Рангин дунё».
«Болалар сайёраси»:
17.55 1. «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
18.55 «Пазандалик сирлари».
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.25 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг якунларига доир.
21.45 «Шанба оқшомида».
22.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» - «Дўстлик».
23.10 «Ахборот - дайжест».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.30 ТВ альманах.
23.50 «Мададкор руҳ». Бадиий фильм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
9.20 «Мультомоша».
9.35 Табобат оламида.
9.55 Оғоҳ.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.
10.50 Аср қиёфаси.
11.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Вилоят ёш хонандалари куйлайди.
12.45 «Мурувват». Бадиий фильм. 2-қисм.
13.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.05 «Қушча». Бадиий фильм.
15.15 Синфдош.
15.35 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
16.25 Кўҳна оҳанглар.
16.35 «Рамаяна». Телесериал.
17.10 Бир ўлка-ки.
17,30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
17.55 «Гуллар шаҳри». Мультфильм.
18.20 Футбол плюс.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 Каталог.
19.45 Давр-интервью.
20.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Фармонов куйлайди.
20.30, 21.15, 22.35 Эълонлар
20.35 «Мурувват». Бадиий фильм. 3-қисм.
21.20 Ватан ҳақида қўшиқлар.
21.30 Кутилмаган меҳмон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 Кинотақдим.
23.10 «Анянинг кўнгироқчаси». Бадиий фильм.
00.40-00.45 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчарҳпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.20 «ТВ плюс».
18.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45, 20.40, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Пойтахт шарҳи».
20.25 «Мисли гавҳар».
20.55 «Ташриф».
21.15 «Нима учун?»
22.00 Кинонигоҳ. «Катта дўкон».
23.40-23.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Е. Петросяннинг «Қулгу панорамаси».
9.45 «Лаззат».
10.05 «CFI янгиликлари».
10.15 «Инглиз тили Сиз учун».
10.40 Кундузги сеанс: «Тернер ва Хуч». Бадиий фильм.
12.15 «До-ми-соль шоу».
12.55 «Менинг шаҳрим».
13.15 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Чинсэн», «Бизнен мирас».
14.15-14.45 «Немис тили».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Мультақдим».
17,25 «Бинафша».
17.45 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».
18.05 Анна Каменкова «Сен борсан...» фильмида.
20.00 «Время».
20.30 «7 дан 70 гача».
21.00 «Ассалом, Франция!»
21.15 «Мюзик холл».
21.35 Кинематограф. «Омадсиз Фантоцци». Бадиий фильм.
23.00 Ахборот (рус тилида)
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА 5

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Ғаройибот».
9.30 «Алибобо ва қирқ қароқчи». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 Телевизион миниатюралар театри.
11.55 «Пазандалик сирлари».
«Болалар сайёраси»:
12.05 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
13.05 ТВ-1 кинотеатри: «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.15 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг якунларига доир.
14.35 ТВ-1 кинотеатри: «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» - «Нефтчи».
16.25 «Муҳофаза».
16.40 «Нафосат гулшани».
17.00 «Оқ олтин». Телелоторея.
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Металлург». «Пахтакор». Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
18.45 «Талабалик йилларим».
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25. 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».
21.40 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг якунларига доир.
22.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах
Якшанба кинозали:
22.20 «Кино оламида».
22.40 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Бургунд қасри сирлари». Бадиий фильм.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
9.20 «Мультомоша».
9.35 Футбол плюс.
9.55 Давр-интервью.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Зинама-зина».
10.50 Очил дастурхон.
11.05 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари.
11.45 Футбол-202.
12.30 «Мурувват». Бадиий фильм. 3-қисм.
13.15 Қишлоқдаги тенгдошим.
13.35 «Вафо». Бадиий фильм.
15.10 Спорт ҳафтаномаси.
15.25 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
16.15 Фарғона наволари.
16.25 «Рамаяна». Телесериал.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
17.30 Якшанбада кўришгунча.
17.45 Кўҳна оҳанглар.
17.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Ҳандалак.
19.45, 20.35, 22.30 Эълонлар
19.50 «Мурувват». Бадиий фильм. 4-қисм.
20.40 «Заковат». Интеллектуал ўйини.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичида».
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Ёнаётган юрак». Бадиий фильм.
00.25-00.30 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.00 «Сп

Сиз кутган учрашув

Эл суйган санъаткорлар орасида Бертахонимнинг номи алоҳида эҳтиром билан тилга олинади. У мумтоз қўшиқларимизни ўта моҳирлик билан ижро этиб, минглаб қўшиқсевар кўнгилларни ром айлаган. «Мен умрим давомида дашту чўлларни кездим, деҳкону чорвадорнинг, чўпону пахтакорнинг кўнгилларига қўшиқ билан кириб бордим, - деган эди у суҳбатлардан бирида. - Агарда қўшиқларим кимларнингдир дилига ўт ёқиб, юрагида она юртга муҳаббат туйғусини алангалатган бўлса, менинг бахтим шу!».

БЕРТАХОНИМ КУЙЛАГАНДА

— Аслида қўшиқ қандай яратилади? Нима учун айрим қўшиқларни мароқ билан эшитамизу, лекин хотирамизда узоқ сақлаб қололмаймиз? Баъзи қўшиқлар эса бир маротаба янграганидаёқ кишини оҳанрабодек ўзига тортади. Кейин шу қўшиқни эшитгинг келаверади, эшитган сайин яна соғинаверасан. Нега шундай?

— Қўшиқнинг кўнгилларга қай тарзда кириб бориши унинг қай ҳолатда яратилганига боғлиқ, - деди Бертахоним. - Бир куни бешик ёнида гўдагимни ухлатаётиб, секин куйлай бошладим. Куйлаяпману, шу пайтгача чеккан изтиробларим, турмуш ўртоғимнинг санъаткор бўлишимга қарши чиққанлари, қўшиқ айтмасликни талаб қилганлари, ҳамма-ҳаммаси бирма-бир кўз ўнгимдан ўтаверди. «Барибир қўшиқчи бўламан, қачондир мени тушунишар, ахир» деган фикр эса хаёлимнинг бир чеккасида турарди. Шунда сезиб қолдим, ҳозиргина куйлаётган қўшиғим сатрларидаги дард менинг ғамгин ўйларимга жуда ўхшаш экан. Худди менинг хаёлларим каби бу қўшиқнинг ҳам ниҳоясида эртанги кунга ишонч ва умид бор эди! Бир куни ўша қўшиқ — «Самарқанд ушшоғи»ни худди бешик ёнида куйлаганимдек қилиб ижро этдим. Англадимки, яхши қўшиқнинг туғилиши учун уни аввало юрагингдан ўтказмоғинг зарур экан! Ўша ижродан сўнг жуда кўп мақтовлар эшитганман...

— Жуда кўпчиликнинг санъатга ҳаваси ва иқтидори ўзи воягa етган оиласида шаклланади. Сизда ҳам шундай бўлганмиди?

— Болалигимни эслосам, Марғилоннинг сертупроқ кўчалари, сўлим боғлари кўз ўнгимдан ўтади. Отам катта Довудбой номи билан машҳур бўлиб, камбағалпарвар, содда киши эдилар. Санъатни жуда қадрларди, акам Мардухай Давидов Мухтор Ашрафий билан биргаликда Москва консерваториясига ўқишга кетаётганларида ўзлари оқ йўл тилаб қолганлар. Акам у ёқдан опера артисти бўлиб қайтди. Ўшанда мен жуда ёш эдим, мактабдан қайтаётиб ҳовлимиз яқинига ўрнатилган радиокарнайдан берилаётган қўшиқларни берилиб эшитардим. Ҳалима Носированинг «Оқ, ойдин кўчалар» қўшиғини ўшандаёқ ёқтириб қолганман. Шу қўшиқ сатрларини ёдлаб олиб, карнай ёнида хонанда билан бараварига хиргойи қилардим. Балки қўшиқчи бўлиш орзуси ўша кезлари дилимга муҳрлангандир... Кўп ўтмай «қулоқ қилиш» бошланиб, бизнинг ер-сувларимизни тортиб олишди. Онам биз — беш фарзандларини етаклаб, Тошкентга келди. Бу ерда медтехникумни тугатиб ҳамшира бўлиб ишлаётганимда уруш бошланди. Сўнг мени госпиталга ишга чақиришди, у ерда ярадор аскарларни даволардик. Бир куни госпиталда катта санъаткорлар концерт қўйиб беришди, ўшанда аскарлардан бири «Бизнинг ҳамширамиз ҳам қўшиқ айтади» деб юборди. Қўярда-қўймай, саҳнага чақиришди, мен «Оқ, ойдин кўчалар»ни хиргойи қилдим. Санъаткорларни бошлаб келган Юнус Ражабий «Бу қизни радиодаги ансамблимизга олиб кетамиз» деди. Ўшандан сўнг қўшиқчилик фаолиятим бошланди. Қирқ беш йиллик умрим шу дастада кечди.

— «Муножот» сизнинг шоҳ қўшиқларингиздан бири. Уни илк бор қачон айтгансиз?

— У вақтда ўн етти ёшдайдим. Қўшиқлар микрофонсиз айтиларди. Кўчага карнай ўрнатилган бўлиб, қўшиқларимиз у орқали ташқарига эшитилиб турарди. Дастамиз раҳбари таниқли санъаткор Имомжон Икромов «Сенинг овозинг мақомга тушади, бугун «Муножот»ни айтасан» деди. Қўшиқнинг сўзлари жуда жозибали эди, ўзим ҳам ҳаяжонланиб кетдим. Бу ҳаяжон эҳтиросга айланиб, юрагимни эритди, сўнг овозимга кўчди:

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади...

Қўшиқни куйлаб бўлганимдан сўнг Имомжон Икромов ташқарига имо қилди. Қарасам, карнай ёнида эллик-олтмиш чоғли киши йиғилишиб турарди! Улар қўшиқ таъсирида гўё сеҳрланиб қолгандай эди. Шундан сўнг мен кетма-кет мумтоз қўшиқларни айта бошладим. Берта Давидова бўлиб танилишимга эса «Муножот» қўшиғи туртки бўлди.

— Кейин катта давралардаям куйлай бошладингиз, шундайми?

— Ҳа. Коммунахоним, Мукаррамахоним, Галия Измайловалар билан катта давраларда, кўпинча республиканинг чекка қишлоқларига бориб, меҳнаткашлар ҳузурида концертлар қўярдик. Қишлоқ халқи «Насри баёт», «Адашганман», «Муножот»ни қайта-қайта айтишимни сўрашарди.

— «Ўн саккиз ёшундадур» ҳали-ҳали кўпчиликнинг ёдида. Сиз бу қўшиқни ўзгача оҳанг билан куйлагансиз...

— Шу қўшиқни айта бошлаганимда ўзим ҳам ўн саккиз ёшда эдим. Ўшанда Маннон Уйғур ҳозирги миллий театримизда «Алишер Навоий» драмасини саҳнага қўйганди. Театр ўртароғида мен шу қўшиқни куйлашим керак эди. Биринчи куни роса ҳаяжонланганман. Кейин бу қўшиқ ўзимгаям жуда ёқиб қолди.

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур...

Бу қўшиқни кейинчалик жуда кўп давраларда куйлаганман, қайта-қайта олқишлар олганман.

— Мустақиллик сизнинг ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб кирди?

— Биласизми, кейинги йилларда битта фикр хаёлимдан бот-бот ўтиб туради. Қанийди, илгариги овозим, куч-қувватим қайтиб келсайди, мен бугунги истиқлол йилларида янада жўшиб-жўшиб куйлаган бўлардим. Ҳозирги хонанда ёшларга ҳавасим келади, гоҳо. Ўзбекистон номидан хориж саҳналарида куйлашяпти, қўшиқ альбомларини тингловчиларга туҳфа этишяпти. Илгариги даврларда чет элларга бориш қаёқда... Истиқлол санъаткор аҳлига мустақил қўшиқ ярата олиш, мустақил куйлай олиш бахтини берди. Мен бу йилларда янада қадр топдим, ўтган йили «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирландим. Мақом йўлидаги юзлаб қўшиқларим магнит тасмаларига ёзилган. Севимли ишим, ажойиб оилам бор. Ўғлим, келиним, набираларимнинг меҳри мени яйратса, Санъат институтидаги юзлаб шогирдларимнинг ишончи вужудимга янада тетиклик бахш этади. Очиғини айтсам, санъаткорлик тақдиримдан жуда-жуда розиман. Шу тақдир мени эл-юртга яқин қилди, уларнинг ардоғига, эҳтиромига сазовор бўлдим. Бу мен учун катта саодат, шу бахтни умрим охиригача қадрлаб ўтаман.

Суҳбатдош: Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

«Умид ниҳоллари-2002»

МАШЪАЛА ҲАРОРАТИ ҚАЛБЛАРГА КЎЧДИ

Ниҳоят мамлакатимиз ёшлари интиқлик билан кутган онлар етиб келди. Куни кеча Фарғонада «Умид ниҳоллари» республика мактаб ўқувчилари мусобақасининг финал баҳслари бошланди. Айни дамларда бутун вилоят аҳли, мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари байрам кайфияти ила яшамоқда. Биз меҳмонлардан илк таассуротлари ҳақида сўраганимизда, улар ҳаяжонларини яшириб ўтиришмади.



Динара АЛЕКСАНДРОВА, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 20-мактаб ўқувчиси:

— Таассуротларим бир олам. Уларни сўз билан ифодалай олмасам керак. Ўзимни байрамлар юртига келиб қолгандай ҳис қилаяпман. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг «Умид ниҳоллари» иштирокчиларига йўллаган мактубларидан жуда руҳланиб кетдим. Биз ёшларга кўрсатаётган юксак эътиборлари учун Юртбошимизга минг раҳмат.

Неъматжон ЭШМАТОВ, Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 35-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси:

— Бу ерга келгач фарғоналикларнинг мусобақа ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўришганининг гувоҳи бўлдик. Бизни вилоят касаба уюшмаларига қарашли «Диёр» ўқув-соғломлаштириш марказига жойлаштиришди. Бу ерда ўз уйимиздагидек яшаяпмиз, шарт-шароитлар аъло даражада. Шинам ва озода ётоқхоналар, барча қулайликларга эга дам олиш хонаси, хуллас барча нарса муҳайё этилган.

Камолжон ҚОСИМОВ, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи:

— Биз Фарғонага оилавий таркиб билан келдик. Аниқроқ айтадиган бўлсам, стол тенниси бўйича вилоятимиз спорт шарафини ҳимоя қилиш бизнинг зиммамизга тушган. Жиянларим Самандар ва Сиёвуш Қосимовлар ҳамда Гулсара Ниёзоваларни акам Саврикул Қосимов билан ҳамкорликда мусобақага тайёрлаганмиз. Биз қандай натижага эришишимиздан қатъи назар бир нарса аниқ: стол тенниси бўйича Қосимовлар сулоласига айнан «Умид ниҳоллари» мусобақасида асос солинади.

Ҳамиджон ХЎЖАЕВ, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Паҳлавон Маҳмуд номли спорт клуби мураббийи:

— «Умид ниҳоллари» мусобақаси машъаласининг стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Нилуфар Сотволдиева ва бокс бўйича мамлакат чемпиони Дилшод Маҳмудовлар томонидан ёқилиши катта рамзий маънога эга бўлди. Машъала ҳарорати энди ёш ўқувчи-спортчиларнинг қалбларига кўчди. Мен аминманки, бу мусобақа яқин орада ўзининг «мева»сини бера бошлайди. Иштирокчилар орасидан мамлакат, жаҳон ва олимпиада чемпионлари етишиб чиқади. Ўшанда бўлажак чемпионларимиз катта ғалаба-ларга айни дамларда Фарғонада ўтаётган «Умид ниҳоллари» мусобақаси пойдевор вазифасини ўтаганини таъкидлаб ўтишса, не ажаб.

Дилрабо СУЛТОНОВА, Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 13-мактабнинг 7-синф ўқувчиси:

— Мураббийимиз Рўзали ака Сирожиддинов раҳбарлигида Фарғонага пухта тайёргарлик билан келганмиз. Жамоадошларим Лобархон, Ғайратжон, Муроджонлар билан ғолиблик учун астойдил кураш олиб борамиз. Насиб қилса, совринли ўринларни эгаллаймиз. Борди-ю, ғолиблар сафидан жой ололмасак ҳам «Умид ниҳоллари»дан олаётган таассуротларимиз хира тортмайди. Ахир, бутун Ўзбекистон ёшларини жипслаштирувчи бу спорт байрамида иштирок этишнинг ўзи катта мукофот эмасми?!

Мўйдинжон СОБИТОВ.



БИЛАСИЗМИ?

Ер курраси да шолининг 10 мингга яқин нави мавжуд. Улар бир-биридан ҳосилдорлиги билан фарқланади.

Одатда, бизнинг шароитда ўсадиган шолининг бўйи 100-150 сантиметр бўлиб, тагини 15-20 сантиметр қалинликда сув қоплаб туради. Сузиб юрувчи шоли деб аталадиган ва бўйи 3-5 метрга етадиган навлар ҳам бор. Баъзи жойларда шолипоядаги сувнинг қалинлиги ҳатто бир неча метрни ташкил этади.

Веътнам, Ҳиндистон ва Миср Араб республикасида ана шундай навли шоли етиштирилади. Бундай шоли нави ёмғир суви кўп тўпланиб қолган катта-катта чуқурликларда ўстирилиб, ҳосилни ўришда қайиқлардан фойдаланилади.

Шолининг ўсиш жараёнида нафақат сувга, балки ҳароратга бўлган талаби ҳам ўзгариб боради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, экиш пайтида ҳарорат 15 даражадан қуйи бўлса, шоли унмайди. Ҳарорат шолининг шохлаш даврида 17-18, бошоқ тортиш даврида 22-25, пишиш даврида 15-18 даражадан паст бўлмаслиги керак.

А.АЛИЕВ.

Турфа олам

Қанотли жониворлар ҳаётини ўрганишда халқалаш усули кенг қўлланилмоқда. Ҳозирга қадар 15 миллиондан зиёд қуш халқаланган.

ҚУТБ КРАЧКАСИ — ЧЕМПИОН

Халқалашда, қанотли сайёҳларни ниҳоятда авайлаб, зарарлантирмай тутилади. Кейин улар сараланади, ёши ва жисмоний ҳолати аниқланади, кейин халқаланиб қўйиб юборилади.

Олимларнинг машақкатли меҳнати туфайли эндиликда қушларнинг кўчиши пайтида адашмай йўл босиб ўтиши тўғрисидаги кўп нарсалар бизга маълум бўлди.

Халқа туфайли энг олисга учиш бўйича чемпион ҳам аниқланди. Бу Қутб Крачкаси. У дам олмай, ўн олти минг километр масофани босиб ўта оларкан.

«ИНСОННИ ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ»

Саид Аҳмад ҳаёти ва ижодига бағишланган киноочерк ҳақида мулоҳазалар

Республика Киночилар уйида халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад ҳаёти, серқирра фаолиятига бағишланган фильмни кўриб, ижод муаммолари ҳақида ўйлаб қолдик. Ушбу тақризни ёзиб, газетхон билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжини сездик. Дарҳақиқат, Саид Аҳмадни ким билмайди дейсиз! Ёзувчи ўзи фильмда босиб ўтган йўлига назар ташлаб аста ҳикоя қилади.

«Инсонни енгиб бўлмайди» видеофильмини кўриш жараёнида кўпдан-кўп мулоҳазалар, саволлар пайдо бўлди. Муаллиф Тоир Юнус ва режиссёр Эдуард Хачатуров шундай ҳикоя йўлини, тасвирий ва овоз услубларини танлаганки, бу томошабинни беэътибор қолдирмайди.

Фильмга мурожаат этсак, саволларимизга жавоб топамиз. Пировардида кино аҳлига миннатдорчилик сўзларини айтамиз. Маълумки, ҳар бир фильм сценарийдан бошланади. Саид Аҳмаддек адибнинг ҳаёт йўлида айрим драматик воқеаларга бой лавҳаларни аввал сўз билан, сўнгра тасвир ва мусиқа, монтаж ҳамда оғзаки ҳикоя ила томошабинга етказмоқчи бўлган муаллифлар асосан ўз мақсадига эришган: ёзувчи кадрда пайдо бўлиб, адабиётшунос олимга (айни бир вақтда, бизга ҳам) ўйчан бир оҳангда сўзлайди. Ана шу ҳикоя фильмнинг ўзагини ташкил этиши, кўҳна хроникал кадрларни шу кун лавҳалари билан, фотосуратларни интервьюлар билан бирлаштириб туриши ўзгача таъсир кўрсатади. Демак, шахсий ва давлат архивларини ўрганиш, хотираларда келтирилган воқеаларни экранда мужассам этиш йўлларини излаш, энг муҳими, адиб келтирган маълумотларни бадиий кино асари тақозо этган шаклда ифода этиш усулларини қўллаш муаммоларини ҳал этиш жараёни мураккаб, лекин, самарали кечади. Адабий пойдевор пухталиги сабабли фильмнинг ихчам, фикрга, ҳис-ҳаяжонга бой кадрлари бир-бирига уланиб, яхлит мазмунни ташкил этади.

Фильмнинг дастлабки кадрларини кўриб, биз Саид Аҳмад номи, унинг асарлари кўпчиликка маълум ва ардоқли эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Интервьюлар адиб элга машҳур ва манзур эканлигини тасдиқлайди. Айни чоғда худди шу савол-жавоб юртдошларимизнинг маънавий дунёси ҳақида тушунча беради.

Кадрда ва кадр ортида ҳикоя қилган адиб диққат-эътиборимизни тортиб туради. У ёшлик чоғини ёдга олади, уруш давридаги фаолиятини хотирлайди, шунингдек, қамоқда кечган йилларини ҳаяжон билан тилга олади. Адиб ҳикоясини баъзан кадр ортидан янграган сухандон сўзлари тўлдириши назарда тутилган. Бундай қўшимча изоҳ бизга ортиқча кўринди. Баъзан қадимги Тошкент кўчалари ва тошкентликлар, уруш йилларини эслатувчи манзаралар эътиборимизга ҳавола қилинади. Бундай ҳолда фильм ижодкорлари хроникал кадрлардан кенг фойдаланиб, яхлит бадиий тўқимани яратишга интиладилар. Шу боис кўпгина кадрлар томошабинга ахборот берибгина қолмай, уларда чуқур ҳис-туйғу уйғотади, мустақил фикр-мулоҳаза юритишга ундайди.

Биз адибнинг севикли рафиқаси шоира Саида Зуннуновани ёдга олган дамда кўрамиз. Чеҳрасида гоҳ қайғу, гоҳ севинч излари намоён бўлади. Унинг бу ҳолатига «Тановор» халқ куйи жўр бўлади.

Сўнгра Саид Аҳмад ўз ижодхонасида ёзув машинкаси ёнида намоён бўлади. Тимсол яратилиши, воқеанинг сўз билан таърифланиши жараёни билан танишамиз. Адиб қўлларини машинкадан олиб юзини беркитади, ўйланиб қолади. Бу кадрни кўриб биз қалам соҳибининг ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар унинг қалбида чуқур из қолдирганини пайқаймиз. Шу ўринда ёзувчининг қиёфаси, унинг ижод жараёнида қанчалик ҳаяжонланиб қалам тебратиши йирик планда намоён бўлади.

Адибнинг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи кадрларни кўрганимизда, Саид Аҳмаддек забардаст адиб, моҳир сўз устасининг ҳаёти биз учун ёрқин намуналигини идрок этамиз, унинг ижодий фаолияти узоқ давом этиши ва самарали бўлишини яратгандан сўраб қоламиз.

Дилноза ЮНУСОВА, ЎзМУ талабаси.

Ўзбек футболининг 90 йиллиги олдидан

МАЙДОНДА — СОЛИҚЧИЛАР

Жиззах шаҳар олимпия заҳиралари коллежининг спорт мажмуи икки кун давомида томошабинлар билан гавжум бўлди. Бу ерда ўзбек футболининг 90 йиллигига бағишланган Давлат солиқ қўмитасининг мини футбол бўйича илк чемпионати бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар солиқчилари жамоалари куч синашдилар.

Биринчилик ёш таэквандочиларнинг кўргазмали чиқишлари билан бошланди. Бадиий ҳаваскорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари, рақслари эса қатнашчилар кайфиятини яна ҳам кўтарди.

Тизимда спортнинг барча турларини оммалаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жиззах шаҳридаги бу беллашувлар Тошкентдаги «Жар», Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги олимпия заҳиралари коллежи ва бошқа йирик спорт мажмуаларида ўтказилган мусобақаларнинг узвий давоми сифатида намоён бўлди.

Мини футбол баҳслари кескин кураш остида ўтди. Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг жамоаси эса чемпионатга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрганлигини намойиш этди. Пойтахтликлар саралаш матчларида Қашқадарё (5:0), Навоий (11:1) ва Жиззах (4:0) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (6:0) вакилларини мағлуб этиб, финалга йўлланма олишди. Ҳал қилувчи баҳсда сирдарёлик ҳамкасбларидан 3:1 ҳисобида устун келган пойтахт солиқчилари чемпионат ғолиблигини қўлга киритишди.

Турнирнинг ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати ҳар бир футболчи маҳоратига муносиб баҳо бердилар. Мезбонлар жамоаси аъзоси Шайдулло Равшанов энг моҳир ўйинчи, ғолиб жамоа аъзолари Камолиддин Бобохўжаев энг яхши дарбозабон ва Ҳусниддин Ғуломов энг иродали ўйинчи, Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси вакили Келдибек Каттабеков энг маҳсулдор ҳужумчи деб топилди.

Ғолиблар Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 332. 1 2 3 4 5 6